

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЭСТЕТИК ТУРКУМ  
ДАРСЛАРИДА АРТПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚҰЛЛАШ  
ЖДПИ катта үқитувчиси Қуттибекова Гулжан Тулепбаевна**

**Аннотация.** Ушбу мақолада бошланғич синфларда артпедагогика ва арттерапиядан эстетик туркум дарслари тасвирий санъат ва мусиқа дарсларида үқувчиларини эстетик жиҳатдан тарбиялашда интегратив ёндошувнинг роли ёритилген.

**Калит сұзлар:** Саңнат, гўзаллик мехнат, эстетик дид, касб-хунар, ота-онаға ҳурмат, эстетик тарбия, таълим, эстетик дунёқараши, этетик онги, эстетик диди

**Аннотация:** В статье рассматривается роль комплексного подхода к эстетическому воспитанию школьников на уроках изобразительного искусства и музыки в эстетической серии уроков по арт-педагогике и арт-терапии в начальной школе.

**Ключевые слова:** Искусство, прекрасный труд, эстетический вкус, профессия, уважение к родителей, эстетическое воспитание, образование, эстетическое мировоззрение, эстетическое сознание.

**Key words:** art, beauty, upbringing, aesthetic manner(style), profession and mastery, knowledge, aesthetic care, aesthetic education, aesthetic word outlook, aesthetic amazement.

Дунё таълим тизимида ҳозирги вақтда үқувчи шахсini санъат асарлари воситасида шакллантириш ва ривожлантириш, умуминсоний қадриятлар билан яқиндан таништириш, гўзаллик ва яхшиликни қадрлашда эстетик дид ва ижодий фаолликни рағбатлантирувчи педагогик технологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда үқувчи ёшларни эстетик тарбиялашда бадий ижоднинг мусиқа ва тасвирий санъат турларидан кенг фойдаланиш, айниқса мусиқанинг ижобий таъсирини объективлаштириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда невроз, эрта ёшдаги аутизм, органик мия касалликлари билан оғриган үқувчиларни арттерапиядан фойдаланиш орқали даволаш масалаларига муҳим эътибор қаратилмоқда. Педагогика фани назарияси ва амалиётида артпедагогика ва арттерапиянинг имкониятларини янада кенгайтириш, тарбиясида нұқсони бор ҳамда соғлом үқувчиларни эстетик-ахлоқий тарбиялашга доир технологияларни бошланғич таълим тизимидаги бадий-эстетик туркум фанлари мазмунига сингдириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, дунё маданияти ютуқлари билан таништириш, гўзаллик туйғусини, эстетик эхтиёж

ва дидни ривожлантириш мақсадида таълим ва маданият муассасалари фаолиятини жонлантириш ва такомиллаштириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги боис арттерапия ва артпедагогиканинг ривожланишига шарт-шароит яратилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “...ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш, замонавий таълим технологияларидан фойдаланишини кенгайтириш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада ўқитувчиларнинг таълимий мақсадларига эришишда ёрдам берадиган фаол йўналиш ва технологияларни излашдан мақсад - маънавий бой, ижодий фикрлайдиган, баркамол ривожланган фуқаро шахсини тарбиялаш бўлиб, бу муаммога ижтимоий ва педагогик жиҳатдан муҳим ва моҳиятли деб қарашимизга имкон беради.

Артпедагогика илмий ва педагогик амалиётларда нисбатан янги йўналиш саналади. Матбуот ва интернет материалларига мурожаат қилганимизда артпедагогика ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмаётганинг гувохи бўламиз. Амалиётчиларнинг қўлида артпедагогика психолог ва психотерапевтлар томонидан қўлланилиб келинаётган арттерапия ўрнида ишлатилиб келинмоқда, яъни ўқувчиларнинг хулқи, уларнинг шахси ва характеристики коррекциялашда, дарс жараёнинда яхши муносабат муҳитини ўрнатишда, болалар ва катталар муносабатини корректировка қилиш ва ҳоказоларда.

Артпедагогика фақат бошланғич синфларда – тасвирий ва мусиқий фаолият, дарс жараёнини тинчлантириш мақсадларида қўлланилмоқда.

Педагог ва олимлар В.П.Анисимов, Н.Ю.Сергеева, М.Ю.Алексеева артпедагогика ва арттерапияни қўйидагича тушунишади: шаклланган санъат воситасида тарбиялашнинг эски стереотип тушунтирувчи кўргазмали методларида (анъанавий, авторетар) альтернатив сифатида; турли педагогик масалаларни ечишда санъатнинг универсал йўллари, умумий механизм, тамойил ва қонуниятларини ўрганувчи педагогика фанининг амалий йўналтирилган янги йўналиши сифатида; боланинг бадий маданияти асосларини шакллантирувчи ривожлантирувчи жараённинг ( rivожланиш, тарбиялаш, ўқитиш ва коррекциялаш) барча компонентларини ўзида мужассам этган санъат воситалари бирлиги сифатида; бу алоҳида ёндашув

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. – Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

бўлиб, унда урғу санъатни ўрганишдан субъектив тажрибага (рефлексия) кўчади, яъни (ўқувчининг) ўзининг ҳолати, сезгиси, куйинчаклиги, тафаккур юритиши, оламга ва ўз-ўзига муносабати сифатида.

Назаримизда, ушбу тушунчага атрофлича кенг ва аниқ таърифни таниқли олимлар Е.А.Медведева, И.Ю.Левченко, Л.Н.Комисарова, Т.А.Добровольскаяяларнинг изланишларида ҳам кўрамиз. Уларнинг фикрича, артпедагогика (бадий педагогика) маҳсус таълимда – бу икки илмий билимлар (санъат ва педагогика) синтези бўлиб, у болаларнинг бадий ривожланишини таъминловчи педагогик коррекцион-йўналтирувчи жараён саналади ҳамда балаларнинг бадий маданиятини санъат орқали, бадий-ижодий фаолият орқали тарбиялади.

Хозирги пайтда фанда арттерапия фанлараро билим соҳаси саналади, у ўзида тиббиёт, педагогика, маданиятшунослик, психология ва бошқа илм соҳаларини мужассамлайди. Унинг моҳияти санъатнинг субъектга терапевтик ва коррекцион таъсири саналади ва у ўқувчининг психик травма олгандаги ҳолатини бадий-ижодий фаолият орқали ечишга қаратилган.

Артпедагогика ва арттерапиянинг асосий мақсади – ривожланишида муаммоси бўлган болаларни гармоник ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат ва у коррекцион-шахсий ва фаолиятли ёндашувларга таянади; ўқучиларнинг турли руҳий сифатлари ҳамда шахснинг бадий маданиятини шакллантириш хусусиятларини ривожлантириш, унинг микро ва макро мухитда жамоавий ва маданий фаолиятда иштирок этиши, турли тажаввузларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ривожланишида муаммоси бор болаларга артпедагогика дунёни унинг барча турфалилиги ва гўзаллигига кўришга ҳамда фаолиятнинг бадий турларида дунёни ўзгартиришга ўргатади. Санъат (болага) дунёни англашда ижобий манба саналади, у болада креативлик қобилиятини дунёга келтиради. Шунинг учун уни ижтимоий-педагогик технологияларнинг самарали воситаси сифатида қараш мумкин.

Артпедагогика ва арттерапияни ўрганиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда алтернатив (муқобил) мактабларни такомиллаштиришнинг навбатдаги қадами саналади.

Артпедагогика илмий ва педагогик амалиётда нисбатан янги ўйналишдир. Даврий нашрлар, Интернет материаллари ва хабарлардаги мавжуд нашрларга мурожаат қилиш орқали билдики, артпедагогика имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аксарият амалиётчилар қўлида артпедагогика деб психотерапевт ва психологлар томонидан шахсни тинчлантириш, ўспириннинг хатти-ҳаракатларини, шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва феъл-авторини тузатиш, дарсларда дўстона мухитни яратиш

ва болалар ҳамда катталар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиладиган арттерапия билан алмаштирадилар. Дарснинг режаси бўйича артпедагогикадан фақат бошланғич мактабда фойдаланилади, шу билан бирга тасвирий, мусиқий фаолиятда дам олиш лаҳзаси сифатида фойдаланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Анисимов В.П. Арт-педагогика как система психологического сопровождения образовательного процесса // Вестник ОГУ. №4 (2003).-146 с.
2. Медведева Е.А. Социокультурное становление личности ребенка с проблемами психического развития средствами искусства в образовательном пространстве: дис. д-ра псих. наук. / Е.А. Медведева. – Нижний Новгород.: Арт-пресс, 2007. – 186 с
3. Сергеева Н.Ю. Содержание понятия «артпедагогика» // Известия ВГПУ, – № 1. 2008. – С. 24 -28.
4. Сергеева Б.В., Петренко Н.А. Эстетическое воспитание младших школьников // Современные научноемкие технологии. 2016. – №12. – С. 428-432.
5. Куттибекова Г.Т. Бошланғич синф ўқувчиларин эстетик тарбиялаш муаммоси // Илм шарчасмалари. ISSN 2010-6246. Урганч давлат университетининг илмий-методик журнали. – Урганч, 2020. – №10.– Б. 67-70.